

## **2- Маъруза. Ўлчов бирликлар назарияси.**

### **Ўлчов бирликлар.**

**Режа:**

1. Ўлчов бирликлари назарияси. Ўлчов бирликлар.
2. Бир ўлчов бирликларидан бошқа ўлчов бирликларига ўтиш.

**Таянч иборалар:** ўлчов бирлиги, СИ, (*System International* ), биринчи даражали ўлчов бирликлири, иккинчи даражали ўлчов бирликлири, боғлик ва боғлик бўлмаган ўлчов бирликлар, матрица.

#### **2.1. Асосий ўлчов бирликлар**

Бирон-бир катталикини ўлчаш –  $Q$  демак уни бошқа бир –  $q$  физик моћияти бир хил катталик билан солиширишдир.

Солишириш учун қабул қилинган катталик –  $q$  ўлчов бирлиги деб аталади.

Бир-бирига қарама-қарши бўлмаган физик катталикларнинг ўлчов бирликларига – ўлчов бирликлар системаси дейилади.

Одатда, кенг тарқалган ўлчов бирликлар тизими – халкаро система СИ (*System International* ) системаси ҳисобланади.

СИ системасида ўлчов бирликлар асосий ёки биринчи даражали ва иккинчи даражали ўлчов бирликларида ажратилган.

Биринчи даражали ўлчов бирликлар: масса (килограмм, кг), узунлик (метр, м), ваќт (секунд, с), ток қучи (ампер, а), харорат (Кельвин, Ко) ва ёруғлик қучи (свеча, св)

Иккинчи даражали ўлчов бирликлар деб биринчи даражали ўлчов бирликлари асосида аниқловчи формулалар ёрдамида яратилган ўлчов бирликларида айтиласди.

Масалан, тезлик учун аниқловчи формула қўйидаги қўринишга эга:

$$\vartheta = \frac{dl}{dt};$$

бу ерда:  $l$  – узунлик;

$t$ -ваќт.

У ҳолда тезлик ўлчов бирлиги, асосий ўлчов бирликлар оркали қўйдагича ифодаланади:

$$[\vartheta] = [L][T]^{-1} :$$

бу ерда:  $L$ ,  $T$  – мос равишда узунлик ва вакт ўлчов бирликлари, ёки

$$[g] = \left[ \frac{M}{c} \right]$$

Куч учун ани́кловчи формула сифатида Ньютоннинг иккинчи конунини қабул қилиш мумкин:

$$F = m a$$

бу ерда:  $m$  – жисм массаси;

$a$  – тезланиш.

У ғолда

$$[F] = [M][L][T]^{-2}$$

Иш учун ани́кловчи тенглама:

$$A = FS$$

бу ерда  $F$  – куч;

$S$  – босиб ўтилган масофа:

$$[A] = [M][L]^2[T]^{-2}$$

Ю́коридагилардан келиб чи́киб ало́хига бир шартни қайд этишимиз лозим: һар қандай физик катталиктинг ўлчов бирлиги биринчи даражали ўлчов бирликларининг купайтмасини даражага кутаришдан иборат экан.

Масалан учта асосий ўлчов бирликларидан иборат катталик: ( $Q$ ) қуийдагича ифодаланади:

$$[Q] = [M]^\mu \cdot [L]^\lambda \cdot [T]^\tau;$$

Демак СИ системасида хар қандай механик жараёндаги физик катталик ўлчов бирлигини асосий ўлчов бирликлар (узунлик- $L$ ; вакт- $T$ ; масса- $M$ ) орқали ифодалаш мумкин.

